

## THE NEEDS TO LEARN ABDURAUF FITRAT'S TEACHING OF PEDAGOGICAL EDUCATION

Abdujalilova Sh. A.

Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region  
shoiraabdijalilova530@gmail.com

### ABSTRACT

The article deals with the study of teacher education by the first Uzbek professor Abdurauf Fitrat.

**Keywords:** Fitrat, pedagogy, education, doctrine, study, problems, approaches.

## АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Абдужалилова Ш.А.

доцент в.б., п.ф.н. Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти  
shoiraabdijalilova530@gmail.com

### АННОТАЦИЯ

мақолада биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг педагогик таълим таълимотини ўрганиш тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Фитрат, педагогика, таълим, таълимот, ўрганиш, муаммо, ёндошув.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается исследование педагогического образования первым узбекским профессором Абдурауфом Фитратом.

**Ключевые слова:** Фитрат, педагогика, образование, доктрина, изучение, проблемы, подходы.

Жаҳон таълим тараққиётида глобал ва инновацион ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу жараёнда халқаро таълим дастурлари воситасида дунё мамлакатларининг таълим тизими тажрибаларини кучайтириш ва шахсга ягоналашган халқаро таълим дастурлари асосида билим, қўникум ҳамда малакалар бериш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай халқаро таълим дастурларидан бири STEAMдир[1]. Бу халқаро таълим дастурида шахсга муҳандислик, технология(мехнат ва дезайн), математика ва санъат(музиқа, тасвирий санъат) фанларини уйғун ўқитиш қоидалари, тамойиллари ва баҳолаш мезонлари белгиланган. Халқаро дастурда мамлакатларнинг илғор педагогик таълимотларини тадқиқ этиш ва бундай тадқиқотлардан STEAM халқаро таълим дастурини такомиллаштириб бориш ҳам назарда тутилган.

Дунё мамлакатларининг таълим муассасалари ҳамда илмий марказларида педагогик илмий-тадқиқотчилик ривожланиб бормоқда. Бу борада Европа мамлакатлари ва АҚШда

дунё халқларининг илгор педагогик тажрибаларини ҳамда таълимотларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки асрлар давомида дунё халқлари мутафаккирлари томонидан ўзига хос педагогик таълимотлар яратилган ва улардан оқилона фойдаланиш тақозо этилади[2].

Мамлакатимиз таълим тизими ва педагогик илмий-тадқиқотчилик соҳаларида ҳам замонавий ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Бу борада айниқса, миллий педагогик меросни чуқур ўрганиш ва уни халқаро миқёсида тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси”да қуйидаги вазифалар қўйилган:

сифатли таълимни амалга оширишга эришиш;

таълим ва тарбия муаммоларини халқаро баҳолаш таълим дастурлари талаблари асосида педагогик жиҳатдан илмий-тадқиқ этиш ишларини қучайтириш ва илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётта йўналтириш;

сифатли таълим воситасида жамиятда ижтимоий адолатнинг таъминотини йўлга қўйиш ва ҳ.к[3].

Буларнинг барчаси педагогик илмий-тадқиқотчилик ишларини янгича ёндошувлар асосида ташкил этишни тақоза этади. Бу борада айниқса, миллий педагогик меросни чуқур ўрганиш ва уни халқаро миқёсида тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг барчаси биз тадқиқот учун танлаган биринчи ўзбек профессори, жадид илмий педагоги Абдурауф Фитратнинг(1984-1938) педагогик таълим таълимоти ва ундан фойдаланишнинг модулли тизими мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

*Педагогик таълим таълимоти* деганда таълим, тарбия ва уларнинг амалиёти масалалари бўйича муайян шахснинг ўзига хос ёндошувлари, назарий қарашлари ҳамда методологик ишланмалари назарда тутилади. Биз ҳам тадқиқотимизда ана шу ёндошувни қабул қилдик. Шу маънода тадқиқотимиз мавзусининг зарурияти қўйидагилар билан белгиланади: *биринчидан*, Фитратнинг педагогик таълим таълимотида “Оила педагогика” масалаларининг таҳлил этилишини ўрганиш; *иккинчидан*, педагогнинг педагогик таълим таълимотида “Ижтимоий педагогика” масалаларининг тадқиқ этилишини таҳлил қилиш; *учинчидан*, олим томонидан педагогик таълим таълимотида “Мусиқа педагогика”, “Хуқуқ педагогикаси” ва “Педагогик маҳорат” масалаларининг ёритилишини таҳлил қилиш; *тўртинчидан*, мутафаккир ва илмий жадид педагогининг педагогик таълим таълимотидан фойдаланиш модулларини ишлаб чиқиш; *бешинчидан*, тадқиқот бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва унинг натижалари асосида хulosha ҳамда тавсияларни шакллантириш.

Шундай қилиб Абдурауф Фитратнинг педагогик таълим таълимотини маҳсус тадқиқ этиш зарурият бўлиб турибди.

## REFERENCES

1. Международная программа STEAM.// [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. Бордовская Н., Реан А. Педагогика.-Сакт-Петрбург, 2001
3. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.// [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

4. Abdujalilova, S., & Qorayev, S. (2020). The Role of Pedagogical Technologies in the Formation of Students' Scientific Outlook. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 4377-4384.
5. Burkhanov, A., Avlaev, O., Abdujalilova, S., & Otaev, A. (2021). Responsibility as a criterion for determining personal maturity. In E3S Web of Conferences (Vol. 244, p. 11059). EDP Sciences
6. Абдумажитовна, Ш., Эшманова, Н. Н. (2021). Ўзбекистон олий педагогик таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитиш кластери. Scientific progress, 1(4).
7. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the reliability of the test form of knowledge control in cluster education. Psychology and Education, 59(2), 403-418.
8. Abdujalilova, S. (2022). Abdurauf Fitrat's Interpretation of "Music Pedagogy" Issues in Pedagogical Education. International Journal of Culture and Modernity, 12, 41-45.
9. Abdujalilova, S., & Sodiqova, N. (2021). THE CONCEPT OF PEDAGOGICAL EDUCATION IN THE FAMILY IN THE WORKS OF ABDURAUF FITRAT. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 2(06), 46-50.
10. Абдужалилова, ША. (2021). Абдурауф фитратнинг педагогик таълим таълимотидан фойдаланиш модули. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 1(3), 41-48.
11. Абдужалилова, Ш., & Содиқова, Н. (2021). Оиласада амалга ошиладиган педагогик таълим тушунчаси. Scientific Progress, 2(2), 752-760.